



ЎШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 27 июн, сешанба №92 (924)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Нархлар эркинлаштирилатган шароитда республика фуқароларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, аҳоли даромадларининг оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2000 йил 1 августдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлири талабаларининг, ўрта махсус ва хунар-техника ўқув юртлирининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилсин.
2. 2000 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: энг кам иш ҳақи - ойига 2450 сўм; ёшга доир пенсия - 4675 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич /нулинчи/ разряд - ойига 2450 сўм; болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 4675 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 2835 сўм миқдоридан белгилансин.
3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилладиган устама ва қўшимчаларнинг барча

турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2000 йил 1 августдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан маблағ билан таъминланган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошларини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2000 йил 23 июн

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидани корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш базавий фондининг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда таннархни камайтириш ҳисобидан 2000 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги ПФ-2339-сон Фармони 8-банди истисно қилинган ҳолда ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

АСКАР ҚЎШИҚЛАРИ ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги мустақиллигининг 9 йиллигига бағишлаб ташкил этган Умумармия аскарлар қўшиғи фестивали якунланди. Тошкентдаги Алишер Навоий номи Санъат саройида ушбу фестивал голиблари ва эстрада хонандаларининг якуний гала-концерти бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон - Ватаним маним» республика қўшиқ байрами доирасида ташкил этилган мазкур фестиваль бу йил тўққизинчи марта ўтказилди. Аввалги йилларда унинг қатнашчилари куйлаган қўшиқлар ҳозирда гарнизонлар, ҳарбий қисмлар, олий ҳарбий билим юртлирида янграмоқда.

Фестивалнинг «Ўзбекистон - Ватаним маним» йўналиши бўйича «Ҳарбийлар қўшиғи» учун Қуроли Кучларнинг Марказий ашула ва рақс дастаси хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти, катта лейтенант Марат Ҳақимов ҳамда Тошкент ҳарбий олий билим юрти хор жамоаси биринчи, «Азиз одамлар» қўшиғи учун Каттакўрғон гарнизони ҳарбий хизматчиси Дониёр Қаршиев иккинчи, «Буюк Турон» қўшиғи учун Жиззах олий ҳарбий билим юртининг ҳарбий хизматчиси Зайниддин Эргашев учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Марат Ҳақимов мана бир неча йилдирки, Умумармия аскарлар қўшиғи фестивали ва республика қўшиқ байрамида муваффақиятли қатнашиб келади. Унинг «Она эл мадиҳи», «Ўзбекистон ҳарбийлари», «Аскарлар байроғи» каби қўшиқлари кўпчиликка яхши таниш.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

«Галла - 2000» БУХОРОЛИКЛАР МАРРАГА ЕТДИ

Бухоролик галлакорлар давлат оморборларига 125 500 тоннадан зиёд дон топириб, бу борадаги шартнома режаларини бахарди. Хосилдорлик гектар бошига 38,5 центнерни ташкил этди.

Вилоятдаги галлазорларнинг 76 фоизи оилавий пудратчиларга узоқ мuddатли шартнома асосида берилгани, 24 фоиз майдонда эса фермер хўжаликлари меҳнат қилгани туфайли галладан мўл ҳосил олишга эришилди. Вобент туманидаги «Янги ҳаёт», Пешку туманидаги «Фаттоев», Жондор туманидаги «Юртим Ўзбекистон» каби фермер хўжаликлари ўртача 65-75 центнердан, Бухоро, Пешку, Шофиркон туманлари деҳқонлари 41-45 центнердан ошириб ҳосил олишга эришилди.

Вилоятда дончилик соҳасидан 2 миллиард сўмга яқин соф фойда олиниши кутилмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилгидан икки баробар зиёддир.

Далаларда галла ўрими-йиғими қизгин давом этмоқда. Имкониятларини чамалаб қўрган бухоролик деҳқонлар давлатга яна 15 минг тонна дон топиришига аҳд қилдилар.

ЎЗА.

Урганчада Халқаро гиёҳвандлик ва ноқонуний наркотиклар оборотига қарши кураш кўнига бағишлаб энгил атлетика кросси ўтказилди. Огаҳий номи майдондан шаҳар дам олиш ва истироҳат боғида бўлган 2,5 километрни масофада ёшлар билан бирга катта ёшдаги турли касб эгалари - ҳаммаси бўлиб мингага яқин киши югуришти.

«СОҒЛОМ АВЛОД «АСР ВАБОСИ»ГА ҚАРШИ»

Ёшлар ва қизлар ўртасидаги югуришда манший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи талабалари Ойбек Отмуродов ва Нафиса Калекберова голиб бўлишти. Шунингдек, Урганчадаги қурилиш касбунар коллежи ўқитувчиси 51 ёшли Қадим Рўзметов, шаҳардаги 11-сонли мактаб ўқитувчиси Рустамбек Каримов ва яна 15 нафар югуриш ишқибозлари голиб, деб топилди. Уларнинг барчасига ҳомиёларнинг мукофотлари топширилди.

Шундан сўнг, шаҳар дам олиш ва истироҳат боғида ёш спортчилар ҳамда болалар бадий ҳаваскорлик жамоаларининг кўргазмали чиқиб кўчиди. Кечқурун урганчликлар ва шаҳар меҳмонлари Жалолиддин Мануберди ёдгорлик мажмуида ўтказилган «Соғлом авлод «аср вабоси»га қарши» шiori остидаги рангбаранг ёшлар шуосини томоша қилишти.

Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кўнига бағишланган учрашувлар ва муسابакалар Хоразм вилоятининг барча шаҳар ва туманларида ўтказилди.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз дўстлар!
Авваламбор, барчангизни миллий матбуотимиз байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу кун нафақат журналистлар, матбаа ва радиотелевидение ходимлари, балки ҳаётимизда, эзгу мақсадлар йўлида эришадиган натижаларимизда матбуотнинг ўрни ва макени эътироф этадиган ва кадрлайдиган ҳар бир юртдошимиз учун ҳам муҳимдир.

Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ке-чаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришдек улғур ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғоқликка давлат этадиган доимий ҳамроҳимизга айланмоқда. Бунинг замирида, шубҳасиз, журналистларимизнинг ўз касбига меҳр ва садоқати, оғир ва сермашаққат меҳнати муҳассам.

Бугунги тахликали замонда ҳар қайси онгли инсон, ёши, касби-кори, лавозимидан қатъи назар, ўзига руҳан яқин, қувончу ташвишлари, дарду гамига шерик бўладиган бир суҳбатдош излайди. Менинг назаримда, матбуотни ана шундай суҳбатдошга қиёслаш мумкин. Айни вақтда шунга яқин ағлаб олиш зарурки, бизнинг нозиктаб, кўпни кўрган, доно халқимизга муносиб суҳбатдош бўлиш осон иш эмас. Бу барчамиз, авваламбор, матбуот захматқашлари учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиши керак.

Инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда ҳаётнинг ўзи сиз, оммавий ахборот воситалари ходимлари олдига эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, Ватанимиз равнақи ва фарзандларимиз камолотли каби буюк вазифаларни қўймоқда. Дунё ахборот оламида глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги шароитда миллий матбуотимиз янада фаол бўлиши, халқимизни турли гоёвий таҳдидлардан, миллий тафаккур тарзимизга ёт ақидалардан ҳимоя қилиши, жамиятимиз миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишида алоҳида ўрин тутиши, маънавий ҳаётимизнинг ва муқаддас кадриятларимизнинг мустаҳкам химоячисига айланиши лозим.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, гайрат-шижоат, хондонларингизга тинчлик-омонлик тилайман.

Ҳаққоний сўз, теран тафаккур ва илҳом доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ»

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаш-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг яхши журналисти» аънавий танлови якунланди. Танловга матбуотимизнинг фаол жонқуярлари 1999 йилда яратган энг сара асарлар тақдим этилди. Уларда Ватанимиз истиқболи, мустақиллик равнақи, ислохотлар муваффақияти, одамлар дунёқарашида, қундалиқ турмушида рўй бераётган ўзгаришлар акс эттирилган. Қуйидаги йилнинг энг яхши журналистлари деб топилди:

Қутлибека Раҳимбоева - «Саодат» журналининг бош муҳаррири ўринбосари

Людмила Мервинская - Ўзбекистон телевидениесининг рус тилидаги «Тахлилнома» дастури бошловчиси

Нарзулла Равшанов - «Халқ сўзи» газетасининг Қашқадарь вилояти бўйича муҳбири

Рағбатлангувчи мукофотларга қуйидагилар сазовор бўлди:

Кўчкор Норқобил - «Ўзбекистон овози» газетасининг муҳбири

Каримжон Муҳидинов - «Овози тожик» газетасининг Фарғона вилояти бўйича муҳбири

Хатира Нурбаева - «Нури жол» газетасининг масъул котиби

Намоз Саъдуллаев - «Фидокор» газетаси бўлим мудир

Ортиқали Намозов - «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг муҳбири.

Ўмурбой Ўтувлиев - «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг муҳбири

Абдумутал Абдуллаев - «Андижоннома» газетаси бўлим мудир

Алижон Сафаров - «Ватанпарвар» газетасининг муҳбири

Ойбек Юнусов - «Спорт» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И ИМПОРТ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ОЛИБ КЕЛИШ ВА СОТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Импорт истеъмол товарлари сотишни тартибга солиш, савдонинг ташкилий шакллари ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, аҳолининг харид қобилиятини ошириш, истеъмол товарларига нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш ва нархларнинг сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Белгилансинки, 2000 йил 1 июлдан бошлаб: савдо корхоналари ялли даромад солигини даромадлик даражасига боғлиқ равишда табақалаштирилган ставкалар бўйича иловага мувофиқ тўлайдилар. Бунда ялли даромад солигини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш ҳар ойда, ўсиб борувчи яқун бўйича амалга оширилади;

ўсимлик мойи, мол ёғи, қандшар ва чой Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида олиб кирилганда ақид солиғи тўлашдан озод қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензияларига эга бўлган истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналардан хоржий валюта харид қилинганлиги, шунингдек алмаштириш пунктларида хоржий валюта харид қилинганлиги учун 5 фоиз миқдорда йиғим ундириш 2000 йил 1 июлдан бошлаб бекор қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳузурдаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси: савдо корхоналари томонидан ялли даромадга солиқ солишининг белгиланган тартибга риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминласинлар, бунда қонуни бузувчиларга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазолар қўллансинлар;

2000 йил 1 июлдан импорт қилинадиган истеъмол товарлар нархлари устидан мониторинг олиб бориш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этсинлар, унга нар-

лари 2000 йил 1 июлдан бошлаб буюм бозорларида савдо жойи ижарага олинганлиги учун тўловнинг амалдаги ставкаларини 1,5 баравар оширилсинлар.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг жисмоний шахслар томонидан олиб келинаётган импорт истеъмол товарларини майда улгуржи ва чакана сотиш бўйича савдо маркази ташкил этиш ва уни «Чорсу» универмаги томонидан фойдаланилаётган биного жойлаштириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда савдо маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда турғун биноларда савдо қилувчи жисмоний шахслар учун имтиёзлар тизимини назарда тутсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушатирилган савдон кенгайтириш ҳамда товар айланishi ҳақида унинг улушини кўпайтириш бўйича комплекс

чора-тадбирларни, шу жумладан қуйидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширилсинлар:

юридик ва жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини амалга оширишлари учун мавжуд омор ва савдо майдонларини, шунингдек турар жойга мўлжалланмаган фондаги бўш майдонларни қўллаб бериш;

юридик шахслар томонидан истеъмол товарлари билан улгуржи ва майда улгуржи савдо қилиш турғун марказлари ташкил этиш, шу жумладан уларга юридик шахс бўлмаган тадбиркорлар сифатида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслардан импорт товарлар харид қилиш ҳуқуқини бериш;

савдо корхоналарини ер учун ижара хақи тўлашдан озод қилиш; ушатирилган савдо тизимини омор бинолари ва савдо майдонларидан фойдаланилганлиги учун ижара тўловининг буюм бозорларига нисбатан тадбиркорлар фаолиятининг иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ шарт-шароитларини таъминловчи имтиёзли миқдорларини белгилаш;

юридик шахслар, шунингдек

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 24 июн

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова

Улгуржи ва чакана савдо корхоналарининг ялли даромадига олинадиган солиқнинг табақалаштирилган ставкалари

Даромадлилик	Корхоналарнинг даромад олиш даражаси (ялли даромадининг товар айланмасига нисбати, фоизларда)	Корхоналар бўйича солиқ ставкалари (ялли даромадга нисбатан фоизларда)	
		шаҳар ва қишлоқ жойлардаги корхоналар	узоқ ва тоғли туманлардаги корхоналар
Фоиғача	20	20	15
Фоиғдан ортқ	20	30*	30*

Изоҳ: * / Ставка даромадлиқнинг белгиланган даражасидан ошувчи даромадларга нисбатан қўлланади.



Тошкентдаги Олой бозорида тадбиркорларга яна бир қулайлик яратилди. Янги балик маҳсулотлари билан савдо қилинадиган замонавий супермаркет дўкони (суратда) ишга тушди. Бу ерда 24 та музлатгичдан унумли фойдаланилмоқда. **Х.МИРЗАКАРИМОВ** олган сурат.

Ижтимоий ҳимоя

ИШ ҲАҚИГА 12 ФОИЗ КЎШИМЧА

Кумқўрғон туман нефт маҳсулотлари таъминоти корхонаси фаолияти йил сайин кенгайиб бормоқда. Иш жараёнлари мураккаб бўлганлиги учун ҳар бир ишчи-хизматчидан масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда меҳнат қилишни тақозо этади. Кувончлиси шунки, иноқ жамоамиз омилиқдорлик кўрсатиб ишлаб бозор муаммоларини вақтида ҳал этишга эришмоқда. Кўп нарса кайфиятга, моддий манфаатдорликка боғлиқ. Бунга яхши намуна ҳолда маъмурият билан ҳамкорликда қабул қилинган жамоа шартномасида ишчи-хизматчиларга алоҳида имтиёз ва имкониятлар яратилган.

Биз Кумқўрғон, Бойсун, Бандихон туманларидаги 335 та ташкилот ва хўжаликка хизмат кўрсатамиз. Далада ҳаёт қайнайдми. Ҳозирги кунда нефт маҳсулотлари таъминотида узилиш бўлиши мумкин эмас. Шу боис, ички имкониятлардан, вақтдан унумли фойдаланиб ишни бир маромда олиб боришга эришяёмиз.

Корхона касабга уюшма кўмитаси ишчи-хизматчилар манфаати, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб келмоқда. Аввало сўнгги йилларда уларнинг маошлари яхшигина ошди. Ҳар ойда ойлик маошга 12 фоиз кўшимча ҳақ тўланмоқда. Ҳар чоракда эса алоҳида рағбатлантириш тадбирлари амалга ошириляпти. Вилоятимиз табиатининг ўзига хос қийинчиликлари ҳисобга олиниб ҳар ишчига ойига 3 минг сўмдан оқват пули берилляпти. Жамоа шартномасига мувофиқ меҳнат таътилига чиқаётган ходимга икки кун, ёш фарзанди бор аёлга эса уч кун кўшимча таътил берилляпти. Тўй ёки маърака ўтказётган, фарзандини армия сафига кузатаётган оилаларга моддий мадад кўрсатилмоқда.

Ишчи-хизматчилар саломатлигига эътибор ортиб бораёпти. Биз уларни тиббий кўриқдан ўтказдик. Эндликда одамларимиз даволанишлари учун зарур бўлган дори-дармоннинг 50 фоизи корхона ҳисобидан тўланмоқда. 40 нафарга яқин одам зарарли жойда ишлаётганлиги учун уларга сўт-қатиқ ва бошқа неъматлар вақтида етказиб берилляпти. Улар ҳар йили ўзимиздаги ажойиб санаторийда дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлайдилар. Малласан, Ирина Елкина, Элмурод Йўлдошев, Файзулла Сиддиқов, Ҳабибулло Сатторов, Абдулло Норбоев, Ҳузали Минглибоевлар касабга уюшма йўлланмаси билан сўхатгоҳда мириқиб ҳордиқ чиқардилар.

Корхонада меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига риоя қилиш тобора яхшиланиб бораёпти. Бу муҳим масалалар юзасидан иқтидорли мутахассисларни жалб этиб, ўқишлар, тушунтириш ишлари ўтказилди. Барча ишчи-хизматчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Бу техника хавфсизлиги қондаларига риоя этиш, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда яхши омил бўляпти.

Ёз-гашти ўзгача. Биз ишчи-хизматчилар фарзандларини соғломлаштиришга ҳам эътиборни кучайтириб, имтиёзли нархларда оромгоҳларга йўлланмалар ажратдик. Ўз ишидан, оиласидан кўнгли тинч ишчилар унумли, баракали меҳнат қилишмоқда. Бироқ ишмизда ҳали муайян камчиликлар, муаммолар ҳам йўқ эмас. Ўзаро талабчанликни ошириб, исрофгарчиликка, талон-торожга йўл қўётганларга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда.

Ю.САФАРОВ, корхона касабга уюшма кўмитаси раиси.



Қизиқ савдо ишлаб чиқариш ҳиссдорлик жамиятида уруш ва меҳнат факторлари, пенсионерларга алоҳида намунали хизмат кўрсатилади. Табарук кишилар истаган вақтларида сархил неъматларни харид қилишлари мумкин.

«Соғлом авлод» давлат дастури амалда КЕЛАЖАК ТАШВИШИ БИЛАН

«Соғлом авлод йили»да Денов туманидаги 2-болалар поликлиникаси жамоаси янада гайрат кўрсатиб ишламоқда. Бу ҳақда поликлиника мудирини Нуриддин Мелибоев «Туркистон-пресс» муҳаббатига шундай деди:

— 14 ёшгача бўлган 85 минг нафар боланинг саломатлигини назорат қилиб бориш осон иш эмас, қолаверса, туманимиз худуди катта. Бу ҳам ишлашмизда муайян қийинчиликлар туғдиради. Қолаверса, худудимизда экологик вазият барқарор эмас. Ҳаммага маълум бўлган Тожикистон алюминий заводи мўриларидан чиқаётган захарли фтор газ болалар саломатлигига салбий таъсир қилмаётми деб ҳеч ким айтмайди. Шу ўринда айрим рақамларни келтирмоқчиман: туманимизда 523 нафар 16 ёшгача бўлган ногиронлар

бор. Уларнинг 65 фоизи туғма ногирон бўлса, 35 фоизи кейин ортирилган мажруҳдир. Уларни соғломлаштириш юзасидан қатор ишлар олиб бораёямиз. Алоҳида хона ва шифокорлар беморлар хизматида. Муттасил равишда бепул дори-дармонлар билан таъминлаб келаяёмиз. Марказий шаҳарлардаги шифохоналар, санаторийларда ногиронларнинг даволанишлари учун йўлланмалар беришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Яқинда уч болани «Умид» республика ногиронларни тиклаш марказига юбордик.

Айтиб ўтиш жоизки, поликлиника таркибида болалар учун хизмат кўрсатадиган барча мутахассислар бўйича тиббиёт ходимлари бор. Бу эса ишнинг сифати ва муваффақиятини таъминлайди дейишга асос бўла олади.

«Анджонтранс» давлат акционерлик бирлашмаси тизимидаги корхоналарнинг ҳайдовчилари бебаҳо бойлик — галла ҳосилини нест-нобуд қилмай ўриб-янчиб олишда фаол иштирок этмоқда. Қарийиб 500 та автомашина бу муҳим ишга жалб этилган.

Суратда: илгор ҳайдовчилар рағбатлантирилмоқда.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ёз — ўтмоқда соз

«ЖАЙХУН» ҚУВОНЧЛАРИ

Оролбўйи худудиде яшаётган ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ёзги таътилни кўнглидагидек ўтказишлари учун алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Ана шу мақсадда аниқ тадбирлар амалга ошириляпти.

Хоразмда оромгоҳлар кўп. Бироқ Амурдор қирғоқларида жойлашган сўлим гўша — «Жайхун»да дам олишни кўпчилик орзу қилади. Биз ўқувчилар ўртасида қўшиқ танлови ўтказилаётгани устидан чиқдик. Хоразмнинг ўзига хос санъати бор. Ёшлар ижро этаётган ажойиб қўшиқлар, рақслар бизни мафтун этди. Билсак, улар ота-боболари анъаналарини давом эттириб, халқ ўртасида кенг ёйилган қўшиқларни ўрганишга экан.

— Келажакда ана шу бахтиёр ўқувчилар орасидан ажойиб санъаткорлар етишиб чиқишига ишонаман, — дейди оромгоҳ директори Бахтиёр Жуманиёзов. — Қўшиқ танловида 10 га яқин янги талантлар аниқланди. Музика ўқитувчилари улар билан алоҳида машгулотлар ўтказиб, концерт дастурлари тайёрлашмоқда. Бу ерда 200 нафар бола

кўнглини дам олаёпти. Масканининг сўлим табиати, ажойиб ўсимликлар болаларга ҳузур бағишляпти. Биз уларнинг фикр юритиш доирасини кенгайтиришга хизмат қиладиган тадбирларни ўтказишга ҳам алоҳида эътибор бераяёмиз. Машгулотларни намунали ўтказишда Комила Рўзиматова, Ўғилжон Курбоннова, Янгижол Орипова, Нигора Норметоваларнинг ҳиссаси катта.

Ўзаро келишувимизга асосан Урганч туман маданият уйи санъаткорлари оромгоҳга тез-тез ташриф буюриб, концерт намойиш қилишмоқда, ҳафта сизга икки марта кино кўйилади. Маънавият хазинаси — кутубхона ҳаммиша гавжум.

Ҳа, «Жайхун» бағридаги ўқувчиларнинг дам олиш онлари ана шундай сермазмун ўтмоқда.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ФУҚАРОЛАРНИ ДАВЛАТ ПЕНСИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ ҚўЛЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада пенсиялар ва нафақалар тизimini янгилаш жараёни, унинг юридик, ижтимоий ва молиявий асосларини ислоҳ қилиш иши давом этапти. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни 1994 йилнинг 1 июлидан кучга кириб, аҳоли барча табақаларининг туб манфаатларига даҳл қилиб, кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз кишиларнинг эҳтиёжларига нисбатан эътибор ва ғамхўрликнинг янада кучайишида

муҳим омил бўлди. Фуқароларнинг қўлдан-қўл муружаатлари, шунингдек, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлардан пенсиялар тўғрисидаги янги Қонунни қўлланиш тартиби хусусида тушайтган сўровларни инобатга олиб, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгашининг юридик бўлими бу долзарб ишга алоқадор масалаларни умумлаштириб, изоҳлар тайёрлади. Куйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этаёмиз.



Пенсия тайинланаётганда иш ҳақининг қайси турлари ҳисобга олинади?

Жавоб: Пенсия тайинланаётганда, амалдаги қондаларга мувофиқ сўғурта бадаллари тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳамма турлари ҳисобга олинади, меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги тизимида кўзда тутилмаган бир марта тўланадиган тўловлар бундан истиснодир.

Бунинг маъноси шунки, пенсия тайинланаётганда асосий иш ҳақи ва қўшимча ишлаб турган маоши, белгиланган муддатдан ортиқ ишлагани учун олган иш ҳақи, мазкур корхонанинг меҳнатга ҳақ тўлаш системасида кўзда тутилган мукофотларнинг ҳамма тури, икки касбда ишлаб турган мўянаси, хизмат кўрсатиш хонасини кенгайтиргани ёки бажарётган иш ҳажмининг оширигани учун олган иш ҳақи, 13-маош, муддатли хизмат қилгани учун бериладиган мукофот ҳисобга олинади.

Бунда мукофотлардан фарқли ўлароқ, улар қайси вақт учун тўланганидан қатъи назар, 13-иш ҳақи ва муддатли хизмат қилгани учун ўша даврдан бошлаб ҳисоблаб чиқилади. Бунинг маъноси шунки, 5 йил ишлагани учун иш ҳақи олинганда муддатли хизмат қилгани учун бериладиган мукофотнинг кўпи билан 5 таси, 13-иш ҳақининг кўпи билан 5 таси ҳисобга олинади.

Касалик варақаси бўйича тўланган ҳақ пенсия тайинланаётганда иш ҳақи сифатида ҳисобга олиними?

Жавоб: Ҳа, пенсия учун муружаат қилган одамнинг хоҳишига қўра улар ҳисобга олинади.

Пенсиялар тўғрисидаги янги Қонун қабул қилингандан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасига фахрий унвонлари бор одамлар учун 1993 йил 7 июндаги қарорда кўзда тутилган пенсияга қўшимча тўланадиган ҳақ сақланиб қолинганми?

Жавоб: Ҳа, сақланиб қолинган ва пенсиялар тўғрисидаги янги Қонунга ҳам киритилган.

Муайян муддат махсус иш стажига эга бўлган кишиларга имтиёзли шартларда пенсия тайинланаётганда пенсия учун керак бўлган муддатдан ортиқ ишлагани учун пенсияга 1 фоиз қўшиб бериш кўзда тутилганми?

Жавоб: Ёшга қараб тўланадиган пенсия имтиёзли шартларда тайинлаш учун махсус иш стажига талаб қилинган бўлса, пенсия тўғрисидаги Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ пенсия талаб қилинган махсус стаждан ортиқ ҳар бир тўла иш йили учун оширилади.

Масалан, агар ўқитувчилар ва маорифнинг бошқа ходимларига 50 ёшда ёш бўйича пенсия тайинлаш учун ўз мутахассислиги бўйича камда 25 йил иш стажига талаб этилса, унинг умумий иш стажига, айтилиқ, 32 йилни ташкил этса, у ҳолда 25 йилдан ортиқ ҳар бир тўлиқ иш йили учун пенсия 1 фоизга, яъни 7 фоизга оширилади.

Шифокорлар ва бошқа тиббиёт ходимлари, театрлар ва бошқа театрмоша муассасалари артистларининг айрим тоифаларига ҳам ёш бўйича пенсиялар шу ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Айрим ҳолларда ёш бўйича умумий асосларда пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган вақтдан ортиқ махсус иш стажига эга бўлган кишиларга имтиёзли шартларда пенсия тайинланади. Масалан, махсус иш стажига 30 йил бўлган ҳамшира учун пенсия у 50 ёшга тўлганда тайинланади, бунда у иш ҳақининг 55 фоизи ҳисобидан тўланади.

Ёши 65 га етганда умумий иш стажига бўйича пенсияни қайтадан ҳисоблаб чиқиш мумкинми?

Жавоб: Ҳа, албатта ҳисоблаб чиқилади. Ёши 55 га етганда талаб қилинган 20 йил иш стажига бўйича пенсия қайтадан ҳисоблаб чиқилиши керак. Иш стажига 30 йил бўлганда пенсия миқдори иш ҳақининг 65 фоизини ни ташкил этади.

Қандай ҳолларда ҳодимга имтиёзли иш даврини тасдиқловчи маълумотномалар берилди?

Жавоб: Агар ҳодимларнинг айрим тоифалари учун белгиланган имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи тўла маълумотлар меҳнат дафтарчасида бўлмаса, (масалан, зарарли иш уасткаларида, хавф-хатарли жойда, муайян бир усулда бажарганлиги тўғрисида) корхона ёки ташкилот бажарилган иш характерини аниқлаш учун махсус иш стажини тасдиқлаш мақсадига маълумотномалар беришлари керак.

Ишлаб турган вақтда пенсия қандай тўланади?

Жавоб: Амалдаги қонунга мувофиқ ишлаётган пенсионерларга пенсия (ёш бўйича пенсия, шу жумладан, имтиёзли шартларда тайинланган пенсия, ногиронлиги учун пенсия) иш ҳақидан ёки бошқа даромадларидан қатъи назар тўла миқдорда тўланади.

Штат қисқарганлиги ёки корхона, муассаса ва ташкилот тугатилганлиги туфайли ишдан бўшатилган ва ишсизлар тоифасига кирувчи кишиларга пенсиялар иш билан таъминлаш органларининг тақдиминомасига мувофиқ муддатидан олдин (эркакларга 58 ёшда, аёлларга 53 ёшда) тайинланади, лекин Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазириликнинг 1994 йил 9 июндаги 456-сонли хатига мувофиқ юқоридан кўрсатиб ўтилган шахслар ишга жойлашган тақдирда пенсия тўлаш тўхтатилади.

Улар умуман белгиланган пенсия ёшига етганларида (эркаклар 60 ёш, аёллар 55 ёш) ишлаб турган вақтига пенсия умумий асосларда тўланади.

Юридик бўлим мудирини Х.ПРЕМҚУЛОВ.

Хўжаликнинг Себистон, Бўзахона, Қизилқош, Андоқ, Шўр кишлоқларининг табиати, тошдан-тошга урилиб кўприк оқадиган энди сувлари, дилқаш, меҳнатсевар кишилари барчанинг хавасини келтиради. Октов тоғ тизмалари этагида битайтган нақшин олмалар, шафтолилар, олма-ю беҳлар минг дардга даво. Тўю тантаналарда янграйдиган дилрабо куй ва қўшиқлар ҳам ўзгача.

Хуллас, кишлоқлар аҳли табиат инъом этган неъматлардан баҳараманд бўлиб, ўт кетса кемириб, сув келса симириб ҳаёт кечирмоқдалар. Бироқ сабрнинг ҳам чеки бўлади. Инсон тинч-хотиржам, соғ-саломат яшаши учун тиббий хизмат, қолаверса, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари иши яхши йўлга қўйилган бўлиши керак. Бахтга қарши худди шу масалада камчиликлар кўп. Муаммолар кўп вақтдан буён ҳал бўлмай кел-

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, ҚИШЛОҒИМИЗГА

Каттақўрғон тумани «Андоғ» жамоа хўжалигидаги қишлоқ врачлик амбулаториясининг ночорлиги, устахоналарнинг йўқлиги ҳақли эътирозга сабаб бўлмоқда

шундаки, торгина хонага жойлашган тез ёрдам бўлимида ишловчи-ларга ҳам етарли шароит яратилмаган. Шифокорларга ажратилган машина ёниги билан таъминланмаганлиги, эскириб қолганлиги сабабли ҳовлида қантариб қўйилган. — Одамлардан уяласан киши, — дейди амбулатория бош фельдшери Равшан Уролов. — Нимасини айтмай, ҳатто шприцларни қайнатиш

учун қўлбола электр пещадан фойдаланишга мажбур бўляёмиз. Негадир, энг керак пайтда электр энергияси ўчиб қолади. Хуллас, муаммолар кўпайса-кўпайяпти, камаймапти. Устига устак, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ҳам талабга жавоб беришмайди. 3845 нафар аҳолиси бўлган хўжаликда на бичиш-тиқиш цехи, на телевизор,

масъулиятини қанчалар чуқур ҳис қилишда, албатта. Қишлоқларга газ, ичимлик суви келтириш учун катта маблағ керак, деган фикрни ҳамқишлоқлар тўғри тушунашяпти. Бироқ телевизор, пойафзал тузатадиган устахоналар очиш наҳотки шунчалик қийин бўлса?! Рўзисуроод Тўрсунов, журналист.

Наманган вилоятининг Учқўрғон тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб дон тайёрлаш бўйича йиллик топшириқни бажаришди, Улар қабул пунктларига 18 минг тоннадан ортиқ сара дон етказиб берди. Ҳосилдорлик гектаридан ўртача 50 центнерни ташкил этди. Бу кўрсаткични Охунбоев номли, «Қайқобод», «Ўзбекистон» ва «Янгиобод» ширкат хўжаликлар ғаллакорлари янада оширишди.

ФИДОЙИ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Учқўрғон тумани ҳокими Баҳодир Охуновнинг фикрича, ғаллакорлар ютуғининг асосий сабаби оила пудратининг жорий этилишидир. Оилавий жамоалар туманининг деярли барча ғалла майдонларида меҳнат қилишди. Туман ғаллакорлари давлатга қўшимча яна минг тонна дон топширишни мўлжалламоқда. Бундан ташқари, ҳосилнинг муайян қисмини уруғлик дон ташкил этади. Қолган қисми деҳқонларнинг ўзига қолади. Тахминий ҳисоб-китобларга қўра, ҳар бир оилавий жамоа 12-15 тоннадан ғалла олади. Бу эса қўшимча бир ёки бир ярим миллион сўмни ташкил этади.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИГА

Ёшлар телеканали

Ёшлик кишига фақат бир марта бериладиган улугъ неъматдир. Умр баҳориди инсон юксак ва порлоқ нарсаларга яқинроқ бўлади, жасоратга интилади, қалби доимо ҳаммага ва ҳамма нарсага очик бўлади. Ёшлик ҳаммаша фидойилиқдир. Дунёда ҳеч нарса кишини ёшлик чоғларидек мусаффо ва бахтли қила олмайди. «Ёшликда нимани эксанг, улғайганда ўшани ўрасан» дейди доно халқимиз.

ЯНГИЧА ЁНДОШУВ, ЯНГИЧА ТАЛҚИН

Ўқиб ўрганадиган, ҳунар эгалладиган ёшликни елга совириш жиноятдир.

Кўпгина улугъ ғоялар, мақсадлар оловқалб ёшликнинг бегубор палагиди ниш урган бўлади.

Шу боис мустақиллик йилларида ёшларга эътибор янада кучайди. Уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Юртбошимиз Ислон Каримов юрт фарзандларини менинг фарзандларим, улар биздан кучли, билимли ва албатта, биздан бахтлироқ бўлишлари шарт, деб таъкидладилар. Ҳар бир ўғил ва қиз Юртбошимизнинг давлатимизнинг улурга гамхўрликларини ҳар қадамда кўриб, сезиб турибдилар. Президентимиз ақинда «Фидокор» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида ёшларимизни ёт диний оқимлар, мафкуравий таъсирлардан сақлаш хусусида тўхталиб, одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-этиқодини мустақамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, тафаккурда ўзгирини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб гурур ва ифтихор билан яшашига эришишни асосий вазифа қилиб кўйдилар.

канали ана шу олижаноб ғояларни ёшлар қалбига синдиришни ўзининг бош мақсади деб белгиланган эди. Унинг биринчи дастури Юртбошимиз табриги билан бошланганди. Ёшлар ҳаёти уларнинг муаммоларини яхши билладиган, фидокор ижодий кучлар ишга жалб этилди. Ижодий изланишлар, ҳар бир кўрсатувга катта жавобгарлик ҳисси билан ёндошиш ўз самарасини берди. Тошшабинлар аудиторияси ой сайин кенгайиб борди. Ёшларни қизиқтирувчи ранг-баранг кўрсатувлар, туркум томошалар, сериаллар экран юзини кўрди. Ҳозир Ёшлар телеканали орқали уззукун ўртимизда, дунё миқёсида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, баҳс-мунозаралар, касб-ҳунарга оид, долзарб сиёсий, ижтимоий, иқтисодий мавзудаги, ҳужжатли ва бадиий фильмлар, кўп қисмли видеофильмлар, хангомали, спорт кўрсатувларини кузатиш мумкин. Унинг бағрида истеъдодли ижодкор ёшлар — муҳаррир, режиссёр, тасвирчилар шаклланди. Телеканалнинг ўз бошловчилари, шарҳловчилари бор.

Янгича ёндошув, янгича талқин, янгича қарашлар томошабинлар эътиборини ўзига тортди. Натижанда ёш томошабинларнинг турли қатламлари учун ардоқли бўлиб қолган, улар орқиб кутадиган «Давр», «Янги авлод», «Обид-шоу», «Муслиқ лаҳзалар», «Қишлоқдаги тенгдошим», «Ёшлар телеканалда спорт», «Аёл қалби наволари», «Давр-интервью», «Автосалтанат», «Аскар мактублари», «Ҳандалак», «Талабалик дав-

рим менинг» сингари ўнлаб қизиқарли ва мазмунли туркум томошалар кўрсатувлар дастуридан муқим ўрин олди.

Телеканал орқали ёшларнинг маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатадиган, уларни чуқур мулоҳаза юритишга, ҳаётни теран идрок этишга, уларда инсоний фазилатларни шакллантиришга хизмат қиладиган кўп қисмли видеофильмларни намойиш этишга алоҳида эътибор берилмоқда. 1999-2000 йиллар давомида хинд халқ эпоси «Рамаяна» асосида суратга олинган кўп қисмли видеофильм фикримизга ёрқин мисолдир. Бизнинг маданиятимиз, фалсафамиз, яшаш тарзимизга ҳамоҳанг бўлган мазкур экран асарини ёшларимизда мардлик, жасорат, меҳро-оқибат, лабзи ҳалоллик, матонат ҳис-туйғуларини тарбиялашда бир сабоқ бўлди, деб айтиш мумкин.

Бир аллома айтган экан: «Қўлингдан келса замондан илгарироқ юр, агар қўлингдан келмаса, замон билан баробар қадам ташла, аммо ҳеч қачон замондан орқада қолма». Ёшлар телеканалнинг кўрсатувларини кузатиб бориб, унда ҳалол хизмат қиладиган ҳамкасбларимиз замон билан баробар қадам ташлаётганига, баъзида замондан илгарироқ юришга ҳаракат қиладиганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ёшлар телеканалнинг кундалик кўрсатувлар ҳажми 17,5 соатга етди. Шанба ва яқшанба кунлари кўрсатувлар бир соат аввал бошланиб, бир соат кеч тугайди. Дастлабки ижтимоий тадқиқотлар натижаси вилоятларда ҳам телеканалнинг мухлислари кўпайиб бораётганидан далолат бериб турибди.

Ёшлар телеканали ёшларимизнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондирадиган, уларнинг доимо ҳамроҳи бўладиган қудратли восита бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ.

А. КАРИМОВ,
тарих фанлари номзоди,
доцент.

Журналист деганда халқимиз кўз ўнгида элу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрвучи беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст-ҳамроҳ сифатида қадрайдилар.

Ислон КАРИМОВ.

Бу - қизиқ ҚОҒОЗ ЎРНИДА МАТО

Матбаачилик тарихидан шу нарса маълумки, газета ва журналларни чоп этишда қоғоз ўрнига турли хил материаллардан фойдаланилган. Газета босилмадан материаллар шароитдан келиб чиқиб ўзгариб турган.

Чунони, Францияда газета мақолалари юкка қилиб ёйилган хамирга босмаҳонанинг истеъмол қилса бўладиган бўёғи билан босилган. Бошқа бир француз газетаси юкка резинага босилган. Уни чўмиллаётган пайтда ҳам бемалол ўқийвериш мумкин бўлган.

Испанияда чиқадиган бир газета қоронғида ҳам бемалол ўқулаверган. Чунки унинг харфлари нур таратиб турган.

Англияда газета қоғози ўрнини мато эгаллаган. Бундай газета ўқиб бўлинган, рўмолча сифатида фойдаланилган.

ҚАЛБ МЕЪМОРЛАРИ

Оммавий ахборот воситаларининг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва мавқеи тобора мустақамлашиб бормоқда.

Дарҳақиқат, ҳаётимизнинг барча жаҳаларида ислохотларни амалга оширишга қаратилган эзгу мақсадларни рўйбга чиқаришда, умуминсоний қадриятларни камол топтиришда журналистларнинг муносиб хизматлари бор. Зеро, журналист қалб меъморидир. Мухбиримиз муборак байрам арафасида ҳамкасблар билан матбуотимизнинг бугуни ва эртаси ҳақида суҳбатлашди.

ШОНЛИ ЙЎЛ

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари:



— Мустақиллик журналистик фаолиятимга ҳам, ҳаётимга ҳам ақл бовар қилмайдиган ўзгаришлар инъом этди.

Хусусан, «Ўзбекистон овози» мустақиллик неъматига сифатида қайта дунёга келиб, Ватанимизнинг, миллатимизнинг янги раётган овозига айланмоқда. Мустақил дийримиш шон-шухратини, амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар жараёнини газетамиз кенг ёритмоқда.

Хориж матбуотининг тажрибаларини ўрганиш, замонавий журналистика имкониятларидан оқилона фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, изланиш ва яна изланиш натижасида севимли нашримиз янги

мазмун, янги мундарижа касб этди, ўз қиёфасига эга бўлди. 20 минг нускада чоп этилаётган газетамиз замон билан ҳамоҳанг қадам ташлаб улғаймоқда. Жамиятда содир бўлаётган ҳар бир воқеа ва ҳодисаларга ўз нуқтаи назари билан ёндошиб, эркин фикрини айтиб, муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқда.

Зеро, «Ўзбекистон овози»нинг йўли Мустақиллик, буюк келажақдек улугъвор йўлга ҳамоҳангдир.

УМР САҲИФАЛАРИ

Мухтарама УЛУҒ,
Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон телевидениесининг катта муҳаррири:



— Йиллар шиддати дилни увиштиради. Бундан йигирма уч йил муқаддам азиз устоз Зулфия опанинг тақлифлари билан Тошкентга келиб, «Саодат» журналида иш бошладим.

Оппоқ қоғозлар станокларини чиғирликларидан айланиб ўтгани сайин газета ва журналларнинг саҳифалари бунёдга келгани каби, умримиз ҳам йиллар чиғирликдан ўтаркан, хотиралар саҳифаланиб, қалбимизга тахланаверади.

... Икки кунгина муқаддам анча кечикиб ишдан қайтсам, уйимизда менга нотаниш аёл икки фарзанди билан ўтиришган экан. Мен кириб келишим билан аёл ўн ёшлар чамасидаги ўғлига: «Ана, ойнаг келдилар, ойнаг!» деди ҳаяжон билан. Кейин кўларимдан маҳкам ушлаганча: «Мени танияпсизми?» - деб узоқ саволга тутди. Иккилиб қолганимни кўриб: «Бундан ўн йил аввал қирқ кунлик чақалог билан ёнингизга келган келинчақ ёдингиздами?» - деганда, хотирамда ўша воқеа бус-бутун жон-

ланди. Унга берган илк саволим: «Ҳаётингиз қандай, изга тушиб кетдими?» - деган гап бўлди... Бу ёгини бағиримизда ёзишнинг мавриди эмас ҳозир. Шундай кунда мен учун аёлнинг «Ўшанда ҳеч ким мени тушунмаганди, ёрдам беришнинг истамаганиди. Сиз худди ўз онамдек мени тўғри англадингиз, йўл кўрсатдингиз, ёрдам қўлини чўзддингиз. Сизни жуда кўп эслайман. Ўғлимга кўп гапирганман сиз ҳақингизда, кўришга орзуманд эди. Термиздан келдик, сизни излаб топдик...» - деган гаплари бебаҳо муқофот бўлди.

Демак, қай бир юртошимизнинг яхши кунларидаги қувончларини ошириб, ташвишу гам-ли лаҳзаларида ҳам дард, дўст ва уни қўллаб-қувватловчи савимий кўмақдош бўла олган эсак... Қалам захмати билан умр йўлини ёритмоқчи тиланларда, хотирамда ўша воқеа бус-бутун жон-

БИЛАСИЗМИ?

XX асрнинг бошида Англияда «Хартланд энд уэстконтри кроникл» журнали 5 минг нускада чиқиб турган. Уни Томас Бурровс деган кимса бошқарган. Ноширининг ўзи журнал ходими, муҳаррири, масъул котиби, фотосураткаши, ҳарф төрүвчиси ва журнал тарқатувчиси вазифаларини бажарган.

Дунёда ягона эрта-лабки овозли газета Амстердам шаҳрида чиқадди. Унинг мақолалари кассетали магнитофон тасмасига ёзиб олинади. Уни 60 дақиқа давомида тинглаш мумкин.

«Овозли газета» тез омаллашиб кетди. Чунки унинг баҳоси росман газета нархидан баланд эмас-да!

Жаҳондаги баланд телеминоралардан бири Канаданинг Торонто шаҳрида бунёд этилган.

Минора пойдевори ва мустақамлик таянчи тош-метин қотадиган бетондан ирилган. Таянч устига вертолёт ёрдамида соф пўлатдан тайёрланган мачта ўрнатилган. Баландлиги 553,6 метрли минора қурилишига ҳаммаси бўлиб минг тонна пўлат сарфланган.

Гамбург (Германия)лик кинопродюссер Адальберг Балтиш «хушбўй» телевидение тизимини жорий этишни таклиф этди. Таклифга биноан телевизорга турли хил ҳидга эга бўлган аэрозоль баллонлари ўрнатилди.

Экранда тасвир пайдо бўлиши биланок станциядан махсус импульслар юборилади ва реле ёрдамида ишлайдиган баллон қопқоқчалари маълум вақтга чиқиб, айнан шу лаҳзага тегишли ҳид тарқалади.

ОНА ТИЛИМ - ХАЗИНА

Маҳмуд Саъдий,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бўлим мудири:

— Ҳақиқий матбуот ҳаммаша халқнинг кўнглидаги ўй-фикрларини юзага чиқариб келган. Шу маънода мустақил газетамиз «Хуррият»нинг кўпгина мақолалари, айниқса, ҳукукий мавзудаги мақолалари газетанлар эътиборини тортмоқда. Яқинда «Халқ сўзи» газетасида босилган икки муаллифнинг «Елгон» мақоласи ҳам ҳаётимизда учраб турадиган ёмон иллатни фош этди. «Елгон»нинг эълон қилиниши матбуотнинг кучини яна бир бор кўрсатди. Ана шундай рост гап - ошқора айтилган мақолалар газетажурналларда қанча кўп, изчил босилиб турса, матбуотнинг тўртинчи ҳокимиятлик мавқеи шунчалик барқарор бўлади.

Журналист ҳамкасбларимизга шу байрам кунларида бир истасим ҳам бор. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги ўзбек матбуотининг тилини бой ва ранг-баранг деб бўлмайдими. Биз газетачилар қадимий, бой, гўзал ва қудратли она тилимизнинг қадрига етишимиз, шу буюк ҳазина - она тилимизнинг муносиб қадрловчилари бўлишга бурчли эканлигини унутмайлик.

ЖУРНАЛИСТ ЮТУҒИ

Кундалик ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мустақил республикамизда ислохотларни амалга ошириш, ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий соҳалардаги туб ўзгаришларни халққа етказишда матбуот ходимларининг хизмати каттадир.

Газетамиз Касби тумани ҳокимлиги муассислигида чоп этилаётган. Кейинги пайтларда газета мазмун жиҳатдан ўзгарди. Асосий эътибор туман аҳолиси қалбига қулоқ тутиш, барча соҳалардаги ютуқларни кенг тарғиб этиш, жамиятимиз хусусига доғ тушираётган фирибгар, порахўр, лоқайд кимсаларни ўткир танқид остига олишга қаратилмоқда. Натихада, газетамиз ўз муштарийларини топди. Уч йилдирки ўзини ўзи маблағ билан таъминлаётган. Чунки, энди боқимандаликдан қутилиш пайти келди. Газетани сермазун чиқариш учун ижодий жамоамиз

ҳамиша изланишда. Тажрибали журналист Муҳиддин Жўраев, Аҳмад Миранов, Шариф Ҳасановлар қайси мавзуда қалам тебратмасинлар шу соҳани чуқур ўрганадилар. Уларнинг фидойилиги боис 30 дан ортиқ рунклар остида қизиқарли материаллар бериб борилаётган. Айни пайтда 50 нафардан ортиқ ишчи-қишлоқ муҳбирларига таянаётган. Бу эса муштарийлар сифини кенгайтириб, фаол мухбирларга ижодий изланишларида туртки бўлаётган. «Нилуфари» дам олиш саҳифаси муштарийлар эътиборини тортган.

Газетамизнинг ҳар бир сониди, албатта танқидий материал ўрин олади. Материалларимиз изидан жойларда ижобий ўзгариш юз тута бошлайди. Журналистнинг ютуғи, шу эмасми? Яна шуни таъкидлаш лозимки, туман босмаҳонаси ходимлари газетамизни сифатли чиқаришда фидойийлик кўрсатишяпти.

Журналистларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор қаратилганлиги уларни баракали ижод

Ўзбекистон радиосининг ижодкорлари ҳам касб байрамларини муносиб ютуқлар билан қаршиладилар. Ушбу суратда иқтидорли режиссёр Маъмуржон Абдиев ва овоз оператори Диломхон Восиқовани галдаги эшиттириш тайёранаётган жараёнда кўриб турибсиз.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.



БЕҲАЛОВАТ ИНСОНМИЗ

Уч ҳамкасбимиз... дунёдан кўз юмди: Хамид Икромов, Михаил Бабенцев, Саидвали Хасанов. Ваҳоланки, уларни яқиндагина таҳририят биносидан чиқиб бораётган чоғи кўришганди.

Устоз журналист - фидойи инсонлар Холбек Ёдгоров, Аҳмад Исмоилов, Муҳаммаджон Қўшоқов... яна қанчадан-қанча захматкаш қалам соҳиблари умрларининг сўнгги сонияларини таҳририятда, ёзув столига мук тушган кўйи ўтказганларини ҳали-ҳануз ҳам таҳсин, ҳам ибрат ила ёдга олишади.

Ҳар ҳолда эртак қаҳрамонларига нисбатан: «Кечани кеча - кундузини кундуз демай...» деб бошланган таъриф анчайин мос келгандек туюлса-да, аммо ҳамкасбларимизга фароғатли кунларда ҳам тинч ўтириш буюрмайди, кўпинча: ўз ҳаловатсизлиқлари эвазига ўзгаларга масрурлик улашиб, ёш боладек қувониб

юрадилар. Умр эса аёвсиз: ҳеч кутмаганингиз паллада омонатини сўраб, эшик оқонади...

Яқинда тоғ ёнбағрига жойлашган бир сихатгоҳ ҳақида мақола ёзиш топшириғи билан бориб келган ҳамкасбимиз фалати бир гапни айтиб қолди: дам олувчилар орасида бир вақтлар газетамизга ўз ташвишлари юзасидан хат йўллаб, сўнгга мухбир аралашуви билан муаммоси ечимини толган фермер паллахондек таъна тошларини отиб қолибди. «Мен сизларга сира қойилмасман, — дебди у. — Ҳеч тиним билмайсизлар. Ҳатто шанба-якшанба кунлари ҳам далаю дашт кезасизлар. Нима, дунёга икки марта келасизларми?»

Тўғриси, куюнчақ муштарий таънаси худди мақтов каби хуш ёқди: камтарона меҳнат учун бундан ортиқ баҳо бўлармикан?!
Ха, журналистика - ўзига

хос касб. Бу касб кишилари «оч қорним-тинч қулоғим» деб бамайлихотир яшай олмайдилар. Гарчанд табелда бошқа ҳар қандай идорада бўлган каби иш кунини 8 соат деб белгиланса-да, аслида газета муштарийларга етказишга ҳозир бўлмагунча иш кунини давом эттаверади. Лекин, «чарчадим, кўп ишладим, дўшимча ҳақ бериладими?» деган савол билан иш берувчи - муҳаррирни биров безовта қилганини ҳеч ким эшитган эмас.

Қолаверса, журналист учун диплом қафолат вазифасини ўтамайди. Замон руҳини ҳис қилмасанг ёхуд қўлинг ёзишдан қиқиб кетса (шунақаси ҳам бўлади баъзан), бундан ортиқ оғриқ йўқ журналист учун. Қўл учиди ишлаб ва... кун кеңибди эса, маълумки, ҳеч ким жасорат майдонидида жавлон урولмайди. Қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган, кимларнингдир тинчини бузадиган ва кўпчи-

ликнинг манфаатига хизмат қиладиган конструктив, ўткир кечинмали мақолалар, фелъетонларсиз эса матбуотнинг таъсир кучи бўлмайди, қадр-қиммати ҳам.

Ҳаёт ўзгармоқда, даврон гилдираги алмашган, суръат ҳам ўзгача. У билан қадам-бақадам юришга барча ҳам тайёрми? Бу саволга аниқ ва ҳолис жавоб олмай туриб, кўзланган манзилга адашмай, етиб олиш қийин.

Юртбошимиз ишонч билдириб, бизга масъулиятли топшириқ берганларини асло унуттишга ҳаққимиз йўқ. «Матбуот жамиятнинг соғломлашувига ёрдам бериши лозим». Зеро биз бу топшириқни бажаришга киришишдан олдин ўзимизни имтиҳондан ўтказишимиз, шундай топшириқни бажаришга қодирлигимиз, йўқми, деб ўз ўзимизга тангал савол беришимиз даркор. Шундай қилайликки, токи руҳимиз тетик, бошимиз тик бўлсин. Шунда биз берилган топшириқни бажаришга ўзимизда қодирлик ҳис қиламиз, бунинг уддасидан чиқамиз ҳам.

Зайниддин РИХСИЕВ.

Ўзбекистон меҳмонлари

РАҚС СЕҲРИ

Анурадха Арора: Кўпчилик ватандошларим жаннатмакон Ўзбекистонга келиб, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларини, ал-Бухорий, Баховуддин Нақшбанд мажмуаларини зиёрат қилишни орзу қилишади. Мен ўттизга яқин давоғарлар ўртасида танловда голиб чиқиб, Тошкентга келиб ишлаш бахтига муюссар бўлдим. Тошкент — афсонавий гўзал шаҳар, тошқентликлар эса бағрикенг, меҳмондўст, санъатсевар одамлар экан. Ўзимни яқин дўст-дугоналарим орасида яшаётгандек ҳис этайман.

Ҳинд миллий рақсларининг моҳир ижрочиси, гўзал ва бокира, фусункор раққоса Анурадха Ароранинг Ўзбекистонга келганига ярим йил бўлди. У Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида хизмат қилади. Бу масканда мунтазам ўтказиб туриладиган турли тадбирларда қатнашади. Қисқа муддатда Ҳинд рақс санъатининг шайдолари ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонди. Узи қибёмига етказиб ижро этадиган Катхак усулидаги рақс, ўзбекистонлик шогирдлари ижро этаётган йигирмадан ортиқ Ҳинд миллий рақслари меҳмонлар ва томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда.

ми Сабха Кавсар ва унинг рафиқаси қизчадаги тугма истеъдод ва артистлик қобилиятини синовдан ўтказиб, унга аста-

салардан бирига айланди. Унинг ранг-баранг рақсларида турли инсоний ҳис-туйғулар ўзининг ёрқин ифодасини топади. У рақс тили билан сизга турли воқеа, ҳодисалар ҳақида мароқли қилиб сўзлаб бераётгандек бўлади. Унинг саҳнадаги ҳаракатларини кузатиб, рақс ҳам ҳаёт китоби эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

— Мен туғилиб-ўсган Панжобда рақснинг Катхак усули кенг тарқалган,

намагга ёзилган чоғи. А.Ароранинг санъати, унинг ижрочилиги маҳорати она юрти Ҳиндистонда кенг эътироф этилган, танқидчиларнинг муносиби баҳосини олган.

«Анурадха Арора ўзининг ажойиб рақслари билан Ҳинд аёлларининг нозик ҳис-туйғуларини, лаптофатини ёрқин ифода этишга муваффақ бўлган истеъдодли санъаткордир» деб ёзда «Таймс оф Индия» газетаси.

«Ҳар оқшом шаҳарнинг энг катта санъат гўшасида йиғиладиган рақс шайдолари раққоса Ароранинг саҳнага ойдек товланиб чиқишини сабрсизлик билан кутадилар, — деб ёзда «Чандигарх ньюс лайн» газетаси, — томошабинлар ҳар гал уни олқишлар билан кутиб олади. Санъатни чуқур тушунадиган томошабинлар уни рақс маликаси деб атайдилар».

Раққоса ўзбек шогирдлари ҳақида тўқинла-ниб гапириб, шундай дейди:

— Бу ердаги шогирдларим қобилиятли ёшлар, Ҳинд халқининг маданияти ва санъатига гоят қизиқдилар. Умуман, ўзбеклар ҳушқачқак, ҳақиқий санъатнинг кадрига етадиган инсонлар экан. Бу ерда кўрганларим бир умр юрагимда муҳрланиб қолса керак, деб ўйлайман.



секин Ҳинд халқ рақсларини ўргата бошладилар. Ёш, истеъдодли раққоса Катхак рақсининг турли йўналишларини пухта ўрганиб олиб, уларнинг моҳир ижрочисига айланди. Турли рақс кўриклари, танловлари, фестивалларида муваффақият билан қатнашиб борди. Ёш бўлишига қарамай, Сринагар шаҳридаги миллий рақс мактаби таъсис этган Урваши, Жамму ва Кашмир санъат академиясининг Натя Шри фахрий унвонларига сазовор бўлди. Йиллар ўтиб Ҳиндистонда таниқли раққо-

шунинг учун унга кўпроқ эътибор бераман. Шу билан бир қаторда халқ рақсларини ҳам жуда севаман. Мумтоз рақслар халқ оғзига ижоди ҳисобланмиш фольклордан келиб чиққан.

— Санъатим-саодатим. Рақслар шодасисиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман, — дейди раққоса, — халқ рақслари мумтоз рақсларга нисбатан жозибалироқ, эркинроқдир. Барибир, мумтоз рақслар халқ рақсларининг чўққисидир. Мен уларни жон дилимдан севаман. Раққосалик пешо-

А.Арора ўзбек қизларига Ҳинд мумтоз ва халқ рақсларини бажонидил ўргатмоқда. Ўзи ҳам «Тановар», «Муножот» каби ўзбек миллий рақсларини ўрганиш ҳаракатида. Катта саҳналарда атоқли ўзбек раққосалари билан бўй кўрсатишни орзу қилади.

Истеъдодли раққоса, диловар инсон, соҳиб-жамол санъаткорга эзгу орзулари ушатишига тилакдошим.

Мирза Анавар КАРИМОВ.

Касаба уюшма спорти

«АКРОМОБОД» НАМУНАСИ

Ватанимиз мустақиллигининг 9 йиллиги ҳамда «Соғлом авлод йили»га бағишлаб ўтказилган касаба уюшмалари Ургут туман спартакиадаси нихо-ясига етди.

Турли касб эгалари иштирок этган спартакиада мусобақаларини апрел ойида шахматчилар бошлаб беришган бўлса, футболчилар яқун ясашди. Ўз гуруҳларида голиб чиққан Бобур, Улугбек, Й. Охунбобоев номли ва «Ғиждувон» ширкат ҳўжаликлари ярим финал ўйинларини ўтказиш учун шаҳар марказий ўйингоҳига йиғилдилар. Финал ўйинида улугбекликлар устидан 2:1 ҳисобида галаба қозонган Бобур номли ширкат ҳўжалиги футболчилари спартакиада голиби бўлишди. Учинчи ўрин эса бир йўла икки жамоа — Й. Охунбобоев номли ва «Ғиждувон»

ширкат ҳўжаликлари жамоаларига nasib этди. Спортнинг 13 тури бўйича ўтказилган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида «Акрамобод» ширкат ҳўжалиги ҳаваскор спортчилари биринчи ўринни кўлга киритишди. Улар стол тенниси, миллий кураш, волейбол (эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида) баҳсларида биринчи, шахмат ва шашка мусобақаларида иккинчи,

тош кўтариш, аркон тортиш, баскетбол (эркаклар ўртасида) беллашуларда учинчи ўринларни эгаллашди. Кучли учликдан Улугбек номли ва «Янгиариқ» ширкат ҳўжалиги спортчилари ўрин олишди. Шунингдек, спартакиада мусобақаларида Ш.Рашидов номли, «Самарқанд», Амир Темур номли ширкат ҳўжаликлари вакиллари ҳам фаол иштирок этишди.

Барча голиб жамоалар ва спортчилар агросаноат мажмуи ходимлари туман касаба уюшма кўмитаси, касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамаияти ҳамда «Пахтакор» спорт клубининг эсдалик совғалари, пул мукофотлари ва тегишли даражали дипломлари билан тақдирланишди.

Ҳамдам АЛИЕВ.



«ЕВРО-2000»:

ОМАД КИМГА КУЛИБ БОҚАДИ?

Мана икки ҳафтадирки, мухлиси мутахассислар кўҳна қитъа футбол юлдузлари иштирокидаги ажойиб томошалардан олам-олам завқ олмақдалар. Айниқса, кунни кеча бўлиб ўтган чорак финал учрашувлари голлар гулдош-

сига бой бўлди. Ҳа, биз биринчи галда Голландия - Югославия терма жамоалари ўртасидаги чорак финал ўйинини назарда тутмоқдамиз. Учрашув қуйидаги икки хижати билан ажралиб турди. Биринчидан, «юлдузлар термаси» дея таърифланаётган нидерландияликлар рақиблирини йирик ҳисобда маглуб этишди: 6:1. Иккинчидан, мезбонлар ҳужумчиси Пат-

рик Клюверт Европа чемпионати тарихида илк бор покерга эришиб, тўпурарлар карвонбошигига айланди. Агар чиройли ўйинлари билан ўз мухлисларини хушнуд эта бошлаган «учар голландлар»ни ярим финалда Италия терма жамоаси кутаётган бўлса, ҳақон чемпиони — Франция терма командаси эса биринчилик кашфиёти бўлмиш португалияликларга қар-

ши тўп сурадилар. Дарвоқе, қайси терма жамоага қитъа чемпиони бўлишдек бахт nasib бошигига айланди. Балким, мезбонлар ўз уйида зафар кучиар. Французларга омад кулиб боқар, балки... Келинг, яхшиси, башоратгўйликдан қочайлик-да, кескин ва қизгин ўтиши кутилаётган ярим финал ва финал баҳсларини кутайлик. Эеро, вақт олий ҳакам, португалияликларга қар-

ЎЗЛАМТА

Юрагимда биргина туйғу,
Бир ажиб ҳис уради тугён.
Чехрангдаги бу тиниқ кулгу
Орзуимга очмоқда имкон.

**Силар экан юзу кўзимни
Майингина жажжи кўлларинг,
Билгум, ёруғ қилар юзимни
Келажақда ёрқин йўлларинг.**

**Бешигингни тебратиб, ўғлим,
Эзгуликни тиларкан онанг,
Фарзанд учун сарфлаб бор меҳрин,
Бир умрга бўлсин парвонанг.**

**Фақат... сен ҳам улғайиб дуркун,
Чин инсоннинг бўлгин фарзанди.
Элинг севиб, юракдан бир кун
Десин: «Асл инсон дилбанди...»**

Мавлуда ТЕМИРБЕКОВА.

Янтоқнинг турган-битгани фойдали эканлиги қадимдан маълум бўлган. Хусусан, янтоқнинг қанд молдаси чиқариши ҳақида биринчи марта немис сайёҳи Леонард Равольф 1583 йилда ёзган бўлиб, у ўз асарига шу ўсимликни ботаник жиҳатдан тасвирлаб берган.

ХОСИЯТЛИ ЎСИМЛИК

Бир гектар янтоқзордан 100 килограмм қанд йиғиб олиш мумкин. Янтоқ қандини йиғиш учун тағига дастурхон ёки чойшаб ёйлади ва таёқ билан янтоқ қоқилади. Ёки бўлмаса, янтоққа қоп кийгазиб, уни силкитиш керак. Бир замонлар ана шундай янтоқ қандидан новвот ва ҳолва тайёрланарди. Жумладан, Қарши шаҳри ўзининг «руста ҳолваси» билан машҳур бўлган. Қоратикан қишлоғи атрофидаги янтоқзордан йиғиб олинган қандга Боботоғда ўсадиган хандон ёки дондонистанинг мағзини қўшиб руста ҳолва тайёрланарди. Бундай ҳолвалар чет мамлакатларга чунончи Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонга ҳам сотилар эди. Кузатишлардан маълум бўлишича, янтоқдан дамланган чой кўк чойга нисбатан кўпроқ наф бераркан. Шу сабабли халқимиз ичбуруғ, ичак ва ошқозон айланиши, обод, бавосир каби касалликларни даволашда янтоқдан фойдаланишар эди. Илгарилари тандирга янтоқ ёқиб пиширилган нон ширин бўлади деб уни ўтин ўрнида ишлатишар эди.Тўйларда ҳам янтоқ ёқиб полов дамланарди. Шунингдек, Хумдонда гишт янтоқ ёқиб пиширилган. Янтоқда пишган гишт намга чидамли бўлади. Майиз қилинаётганда узум, аввал, янтоқ оловда қайнатиб олинарди. Янтоқ илдиизига тарвуз ва қовун уруғи экиб, ширин-шакар қовун ва тарвузлар етиштириш мумкин. Сувсиз қўлларда ана шу усул жуда кўл келади.

Ўсимликнинг ердан униб чиқишини бир тасаввур қилиб кўринг. Гўё қандайдир сеҳр билан танаси ерни ёриб кўтарилади, куртак чиқаради, барглари очилади. Дикқат билан назар ташласак, буларнинг ҳаммаси тирик мавжудотнинг ҳаракати эканини кўраимиз. Олимлар ана шу жараёнларни кузатиб, кўпгина янгилликларнинг шоҳиди бўлдилар. Чунончи, ўсимликларнинг ўзига хос «сезги аъзоси» буларкан. Бу «сезги аъзоси» билан одам терисида жойлашган рецепторлар фаолиятида ҳатто ўхшашлик ҳам бор экан. Олимларнинг аниқлашича, ўсимлик илдиизи ҳаммадан ҳам кимёвий таъсирни, танаси-механик таъсирларни, барглари эса кўпроқ ҳарорат ўзгаришини сезади. Тажрибалардан маълумки, ўсимлик мусиқа-ни одам «тушунар» экан. Масалан, даранг-дурунғ жаз мусиқаси уларнинг асабига тегаар, оқибатда ўсиш сустлашаркан. Аммо жозибадор ёқимли мумтоз куйлар эса уларга хуш келаркан. Энди олимлар ўсимликларда таъсир омил-ни ҳосил қилувчи механизмни топиш устида из-ланмоқдалар. Бу механизм сирини топиб, ўсим-ликларни ўстириш инсон ихтиёрида бўлади.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ШИШНИ ПАЙДО ҚИЛГАН КАМАР

Машҳур француз шоири Артур Рембо умрининг кўп қисмини Африкада ўтказди. Бу ерда у қул эгаси бўлиб олиб, олтин қазиб чиқариш билан шуғулланди. Адиб Африкада жуда дабдабали ҳаёт кечирди. У йиққан олтинларини доим белига тақиб юрадиган энлик чарм камарига қадаб оларди. Натижада камар тобора оғирлашиб, қорнининг терисига мутассил ишқаланиб юради. Шу тариқа йиллар ўтди ва ишқаланиш таъсирида Рембо терисида хавфли шиш пайдо бўлди. Бора-бора бу шиш зўрайиб шоирни ҳалок этди. Бу ерда гап камар устида бораётган бўлса ҳам, лекин кейин-бош хусусан, ички кийимлар ҳам бундан мустасно эмас. Кийим-кечак киши саломатлигида маълум ўрин тутади. Биз баъзан ўзимизни кийнаб, нокулай ёки баданимизга зарарли бўлган материаллардан тайёрланган кийим ҳам кийимиз. Бу ҳол охири бориб соғлиққа салбий таъсир этиши ва натижада киши бирор касалга дучор бўлиши мумкин.

Тож талабгорлари

Истеъдод билан феъл-атвор ўртасидаги қарама-қаршилиқ ҳеч кимда Карл Шлехтердагичалик ёрқин намён бўлмаган бўлса керак. У истеъдодига кўра, чемпионлик тожига муносиб эди, лекин унда чемпионга хос феъл-атвор етишмасди. У шахмат санъатининг кўпгина соҳаларида такомил топган бўлса-да, лекин чўққи сари охириги қадамни босолмаган эди. Замондошларининг шоҳидлик беришича, Шлехтер ҳаддан зиёд, кўнгилли ва вазмин одам бўлган. Юриш-туришдан буюк шахматчи эканлигини билиб бўлмасди ҳам. Бадавлат савдогарлар оиласининг фарзанди бўлган Шлехтер хоҳласа тўқ ҳаёт кечира оларди, лекин у шахмат профессинали бўлишнинг маъқул билди. Шундай характер билан камторона тирикчиликни деб курашга кириш учун жуда журъатли бўлиш ва шахматни қаттиқ севиш даркор. Афсуски, бу курашнинг у бой берди. У 44 ёшда қаттиқ муҳтожликда вафот этди. Шлехтер шахмат шуҳратига ўз она шаҳрида эришди. 19 ёшида Марко билан 10 партиядан иборат матчи билан кураш килиб мастерлик даражасига эришди. Қизиқ, бу

яккама-якка олишувдаги 10 учрашувнинг ҳаммаси битим билан тугайди. Бундай тинчликсеварлик кейинчалик ҳам Шлехтерга хос бўлган эди. Уни

ШЛЕХТЕР



МАРОҚЛИ МАШҚЛАР

Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб 2 юришда мот қилади.

ҳатто, «дуранглар подшоҳи» деб аташди. Лекин австралиялик шахматчининг партияларига назар ташласангиз бу дуранглар асло суст, осойишта курашлар натижаси, соддалаштиришга интилиш оқибати эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу, ҳам ажойиб объективлик, ҳам спортга ҳалоллик эди. Баъзан гап таажжуботларгача бориб етарди. У вақт танглиги курашнинг боришига ҳал қилувчи таъсир кўрсатишини истамаган. Шахматда натижани эмас, балки ижодий томонни кўпроқ қадрлаган. Лекин бу «тинчликсевар-

лик»нинг яна бир муҳим сабаби бор эди: соғлиги ҳар бир партида бор кучини сарфлаб курашиш имкони-ни бермас, айрим ҳоллардагина у бундай «ортиқча кучга эга эмас». Уларнинг ўртасида тўрт йилдан сўнг шахмат тожи учун бўлган олишув жараёнини олдиндан аниқ кўра билиш учун ласкерона исти-

Мамажон МУҲИТДИНОВ.

қолди, лекин кейинги матларда Ласкер билан бошқа ҳеч ким дуранг натижага эриша олмади. Бундан кейин ҳам мусобақаларда Шлехтерга кўп мартаб муваффақият ёр бўлди. У кўпгина турнирларда совринди ўринларни эгаллади, бир қатор партиялари шахмат санъати ҳазинасидан муносиб ўрин олди. Шлехтернинг ўйини ҳақида Р.Рети образли тарзда шундай деб ёзган эди: «У дебютни оригинал суратда ўйнашга интилмади... дабдабали комбинациялар кетидан қувмайди... адаштирувчи сохта гўзалликни ёқтирмайди. Шлехтер ютуққа одатда эркин, оддий, нозик йўллар билан эришади ва унинг кўплаб ажойиб партиялари бўлак мастерларнинг биронтасида топилиши гумон бўлган табиий нафосатга тўла». Шлехтер улкан назариётчи эди, кўп йиллар давомида «Deutsche Schachzeitung» журна-лига муҳаррирлик қилди, шахмат композициясига катта қизиқиш билан қаради, 300га яқин масала тузди. Шлехтер 1918 йилнинг 27 декабрида Будапешт-да вафот этди.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама,
эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
босмохонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топши-
риш
вақти - 24.00

Буюртма Г — 524. 1 2 3 4 5 6